



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 15 апрель, № 74 (5241)

Жума

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

МАМЛАКАТ БҲЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Замонавий хизмат — самарадорлик омили

ПОЙТАХТИМИЗДА Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда "Трастбанк" хусусий очик акциядорлик биржа банки ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Замонавий банк хизматлари ривожланиши истиқболлари" мавзуда матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда айни пайтда республикамиз молия муассасаларида аҳолига сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида илгор ахборот технологияларидан самарали фойдаланилаётгани, бунда Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк

(Давоми 2-бетда).

Бухорода саноат ярмаркаси

БУХОРО шаҳрида минтақавий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда вожада фаолият кўрсатаётган 90 дан зиёд корхона иштирок этди. Улар орасида "Бухоро гипс" қўшма корхонаси, "Шахбоз-Шахром" хусусий фирмаси, "Бухоро ДЭУ текстайл" хорижий корхонаси каби нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топиб улгурган тадбиркорлик субъектларини кўриш мумкин эди. Минтақавий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси якунида умумий қиймати 7 миллиард сўмликдан зиёд 68 та шартнома имзоланди. Махсулот экспорти бўйича жами 1 миллион 400 минг АҚШ доллари миқдорига битим тузилгани ҳам эътиборга моликдир.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Излашни меваси

СИРДАРЁ. Янгиер шаҳридаги "Алёр Ян" хусусий корхонасида дорвороб курилиш махсулоти — шлакбокс ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бунинг учун тадбиркор Мурбрак Хўжақулова банкнинг 30 миллион сўмлик кредитдан самарали фойдаланди. Натижада бу ерда 10 га яқин янги иш ўринлари яратилиб, йилига 800 мингта шлакбокс ишлаб чиқариш имконияти юзга келди.

Умуман, янгиерлик тадбиркорлар томонидан жорий йилнинг ўтган уч ойида 300 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК СУГУРТА ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ

Пойтахтимизда "TIIF — 2011" 4-Тошкент халқаро сугурта форуми бошланди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Украина сугурта ташкилотлари лигаси, Беларусь сугурталовчилар ассоциацияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар кўмагида "SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги томонидан ташкил этилди.

Халқаро форумнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида иқтисодийнинг барча тармоқларида улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Ўтган йил якунларига қўра, биргина хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13,4 фоиз ўсиш кузатилиши бунга яққол мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда юрти-мизда аҳолига маиший ва сервис хизматлари кўрсатишнинг, хусусан, сугурта хизматларининг замонавий турларига катта эътибор қаратилганлиги шундай ижобий ўзгаришларни юзга чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, сугуртанинг нафақат аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ёки ишбилармонлар фаолиятини рағбат-лантиришда, балки иқтисодиётда инвестицион муҳитни янада яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этаяётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

болалиқдан бошланади

Ҳар бир ота-она фарзандининг бахти баркамол бўлишини чин юракдан ният қилади. Зеро, асрлар давомида ўзининг долзарб аҳамиятини йўқотмай келаётган ушбу сўзлар замирида маънавий ва жисмоний етуклик ўзaro уйғунлашади. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишига қаратилаётган юксак эътибор ана шу эгзу орзуларнинг том маънода рўйбга чиқишига пойдевор бўлди.

Юртимизда болалар спортини оммавий ҳаракатга айлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берилгани ҳам ана шундай эгзу ислохотларнинг ёрқин ифодасидир. Президентимиз таъкидлаганидек, "бугун ҳеч кимга сир эмас, эрта ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам шугулланадиган болаларнига жисмонан соғлом, бакуват бўлиб вояга етади. Шу

асосда ҳар бир ота-онанинг эгзу орзуси бўлиши соғлом фарзанд ўстириш, аҳоли миз ўртасида мутсоғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш учун катта имкониятлар пайдо бўлади".

Республикамизда спорт ва жисмоний соғломлаштириш машғулоти билан шугулланаётган ўқувчи-ёшлар сони ортиб бораётгани қўлга киритилаётган самаралардан далолат бериб турибди. Хусусан, 2005 йилда юрти-мизда мутсоғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди. Бундай ўсиш суратлари глобал миқёсда ҳавас қилишга арзигуликдир. 2010 йилда 2005 йилдагига нисба-

Ғамхўрлик

болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди. Бундай ўсиш суратлари глобал миқёсда ҳавас қилишга арзигуликдир. 2010 йилда 2005 йилдагига нисба-

тан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, пневмония билан касалланиш 15,5, бронхит билан касалланиш 16,2 ва сколиоз билан касалланиш 11,6 фоизга камайгани, спорт билан шугулланадиган 10 — 14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўсгани, вази эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограммга ошганини ҳам ижобий кўрсаткичлар сифатида қайд этиш лозим.

(Давоми 3-бетда).

АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, фуқароларнинг ахборот олиш соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, соҳага илгор замонавий коммуникация технологияларини жорий этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом эттириб келинмоқда. Энг аввало, бу борада юртимизда мазкур соҳани тартибга солишчи мукамал қонунчилик базаси яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги даврда ахборот-коммуникация технологиялари орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди. У ишлаб чиқариш ресурси, инсонлар орасидаги алоқани таъминловчи қудратли

тив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва такомиллаштирилиши комплекс равишда, изчил, илмий асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Бунда Ўзбекистонда амал қўланиш кўнун ҳужжатлари, чет эл қонунчилиги тажрибаси, шунинг-

ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ҳамда "Почта алоқаси тўғрисида"ги (янги таҳрири) қонунлар қабул қилинди.

1999 йилда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда телекоммуникацияларни яратиш, фаолият кўрсатиши ва ривожланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар белгиланди.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

воситага айланди. Шу боис давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, умуман, жамиятнинг ахборот узатиш тезлиги ҳамда сифати бўлган талаблари кун сайин ортиб бормоқда. Хукумат томонидан телекоммуникация тизимлари ва ахборот технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган қатор қонун ҳужжатлари ва миллий дастурлар ишлаб чиқирилиб, қабул қилинди ва шу асосда фаолият олиб борилмоқда.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўз навбатида, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириб бориши тақозо этди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур соҳада самарали ҳуқуқий механизмни яратишга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Ушбу соҳадаги норма-

дек, ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиши истиқболларини ҳисобга олиб, ушбу соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Мамлакат парламенти томонидан ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, жамиятни ахборотлаштириш, шунингдек, ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги масалаларини тартибга солишчи "Алоқа тўғрисида", "Радиочастота спектри тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида", "Электрон тижорат тўғрисида", "Электрон тўловлар тўғрисида", "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборот химояси тўғрисида", "Ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасида содир этилган қонунга қўйилган

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этган Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари ушбу соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган тадбирчи ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, ахборот олишнинг эркин ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги принципларини амалга ошириш, соҳада бозор механизмларини янада такомиллаштириш ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиши назарда тулади.

(Давоми 2-бетда).

ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ ИЛГОР ҒОЯЛАРИ

иктисодиётнинг жадал тараққий этишида муҳим ўрин тутмоқда

Аввал хабар берганимиздек, Тошкент шаҳрида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси давом этмоқда. Таъкидлаш керакки, бу галги тадбир нафақат инновацион махсулотларга бойлиги, балки иштирокчиларнинг кўпчилиги билан ҳам ажралиб турибди. Чунки бу ерга келувчиларнинг сони кун сайин ортиб бораёпти. Тадбиркор, фермер ва саноат ходимларидан ташқари, ёшларнинг кўп эканлиги, айниқса, қувонарлидир.



Бу беҳиз эмас, албатта. Зеро, ярмарка доирасида ташкил этилаётган амалий семинарлар, айтиш мумкинки, улар учун ўқув-машғулот вазифасини ўтаётди. Унинг иккинчи иш кунинда ташкиллаштирилган "Интеллектуал мулк объекти қийматини баҳолашнинг миллий стандарти" ва "Технологиялар трансфер агентлигининг инновацион лойиҳалар маълумотлари базаси" амалий семинарларини кузатган киши шундай фикрга келиши табиий, албатта.

Дарҳақиқат, аънавий ўтказиб келинаётган ярмарка юртимиз ёшларининг илмий излашларини шакллантириш, улар орасидан истеъдодларни юзга чиқаришга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир. Буни иштирокчилар орасида ёш олимлар, иқтидорли

талабаларнинг сони йил сайин кўпайиб бораётганидан ҳам илғаш мумкин. Аниқроғи, Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркасида иқтидорли талабаларнинг қарийб 50 та, шунингдек, "Келажақ овози" республика кўрик-танлови ғолибларининг 15 та ишланмасы қўйилган.

Мутахассислар томонидан Қарши иқтисодий-муҳандислик институти ёш илмий тадқиқотчи Хуршида Холиқованинг қишлоқ ҳўжалиги экинлари чиқиндиларини қайта ишлашга мўлжалланган қуёш қурилмаси истиқболли лойиҳалардан бири сифатида баҳоламоқда. Чунки у бир пайтнинг ўзида экологик, энергетик ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган. Дастлабки натижаларга кўра, уни амалиётга татбиқ этиш орқали

атмосферага чиқариладиган зарарли ташламаларни 30-50 фоизга камайитириш, йилига 10 миллион сўм миқдорда иқтисодий самаралар эришиши мумкин.

Қуёш энергиясида ишлайдиган ушбу қурилма ёрдамида ўсимлик чиқиндилари қайта ишланиб, суюқ, газимсон ва қаттиқ ёқилги олинади. Унинг намунавий ишланмиси Мўборак иссиқлик электр маркази мутахассислари билан ҳамкорликда яратилди.

— Таърибалар, асосан, ғўза чиқиндисиди — ғўзапоя устида олиб борилди, — дейди Х. Холиқова. — Бир тонна майдаланган чиқиндидан 350-400 килограмм нефтга ўхшаш суюқ ёқилги, 200 килограмм газ, 150 килограмм ёғоч қўйини олинди. Ушбу кичик қурилма кўмагида бир кеча-кундузда 1-1,5 тонна чиқинди-

ни қайта ишлаш мумкин. Қуёшсиз кунларда эса электр қиздиригич ёрдамида унинг мунтазам ишланиши таъминланади. Шунинг учун унга фермер ҳўжалиқлари, хусусий тадбиркорлар ва қишлоқ аҳолиси катта қизиқиш билдираётди.

"Келажақ овози" республика кўрик-танлови ғолиблари томонидан тақриф этилаётган инновацион махсулотларга ҳам эътибор қилинган. Сабаби, уларнинг ҳар бири ижтимоий-иқтисодий соҳаларда учраётган камчиликларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Куннинг иккинчи ярмида "Қайта тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланишнинг замонавий илмий-техникавий ечимлари" мавзуга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда чет эллик олим ва мутахассисларнинг иштирок этгани ярмарканинг нуфузи тобора ортиб, миллий ишланмаларнинг халқаро миқёсда интеграциялашувига кенг йўл очилаётганидан далолатдир.

САИД РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кеча пойтахтимизда юқумли касалликларга қарши кураш олиб бориш ва бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланган икки кунлик халқаро симпозиум иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Чегара билмас шифокорлар" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда хорижлик экспертлар, олим ҳамда шифокорлар, шунингдек, мамлакатимиздаги етакчи тиббий масканлар мутахассислари иштирок этмоқда.

ТИББИЁТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ — ЖАҲОН ЭЪТИБОРИДА

Анжуманинг очилишида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли эл саломатлиги муҳофазасини таъминлаш борасида ижобий ютуқларга эришилмоқда. Жойлардаги шифо масканларида тиббий хизмат сифати тобора яхшиланиб бораётганилиги, бу эса

анжуманинг очилишида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли эл саломатлиги муҳофазасини таъминлаш борасида ижобий ютуқларга эришилмоқда. Жойлардаги шифо масканларида тиббий хизмат сифати тобора яхшиланиб бораётганилиги, бу эса

ниб муҳташам кўринишга эга бўлди. Бу каби бунёдкорлик ишлари қолган ҳудудларда ҳам босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган.

— Ўзбекистонда даволаш-профилактика тизими намунавий йўлга қўйилганлигига барчамиз ғувоб бўлиб турибми, — дейди "Чегара билмас шифокорлар" халқаро ташкилотининг тиббий директори Лесли Шэнкс хоним. — Айнан олиш ва уларни самарали даволаш имконини бераётганлиги шулар жумласидандир. Масалан, юртимизда биргина физиотерапия соҳаси ривожига қаратилган эътибор туфайли сил касаллиги билан боғлиқ ноҳус ҳолатлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бу соҳага катта инвестициялар жалб қилиниб, даволаш масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият берилганлиги самарасидир, албатта.

— Жорий йилда республика камизининг сил касаллиқларини даволашга ихтисослаштирилган бир неча шифо масканлари капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди, — дейди Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Мирзағолиб Тиллашайёв. — Шу кунларда марказимиз ҳам буткул қайтадан таъмирланиб, қўшимча бинарлар қурилмоқда. Нҳус шунинг билан Жарқўгон туманидаги болалар сил касаллиқлари шихатгоҳлари эса тубдан қайта таъмирла-

ди ректори Лесли Шэнкс хоним. — Айнан олиш ва уларни самарали даволаш имконини бераётганлиги шулар жумласидандир. Масалан, юртимизда биргина физиотерапия соҳаси ривожига қаратилган эътибор туфайли сил касаллиги билан боғлиқ ноҳус ҳолатлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бу соҳага катта инвестициялар жалб қилиниб, даволаш масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият берилганлиги самарасидир, албатта.

Шу боисдан ушбу масалага бағишланган халқаро симпозиумнинг мамлакатимизда ўтказилишига қўнғ қилинди. Маълумки, бурунги кунда юқумли хасталикларнинг олдини олиш муаммоси глобал аҳамият касб этди. Шунинг назарда тутиб, бутун дунё олимлари, халқаро кўришлардаги мутахассис ва тадқиқотчилар бйлашган ҳолда иш олиб борсақ, долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатсақ, оғир хасталиқларга алоқадор эпидемик хавфлар келиб чиқишининг олдини олишга муваффақ бўлаемиз. Симпозиумда тизимга янги муложа услубларини кенг татбиқ этиш, мутахассислар малясиани ошириш, турли мамлакатларнинг хасталикни амбулатор шароитида даволаш тажрибаси, силга қарши курашиш чора-тадбирлари ижобий самара беришида миллий дастурларнинг аҳамияти каби мавзуларда ўзаро фикр алмашилмоқда.

МУБОРАК ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларнинг зарур ресурсларни харири қилиш ва ўз махсулотларини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТ

бериш каби қўллаб қўлайликлар жорий этилди. Бу амалда ўз самараларини бераёпти. Бугунги кунда ялли ички махсулотнинг 52,5 фоизи уларнинг улушига тўғри келаётгани бунинг тасдиғидир. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 февралда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори эса мавжуд имкониятларнинг янада кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Олий ҳарбий божхона институтида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширишларни янада қисқартириш бўйича яратилган имкониятлар" мавзусида семинарда ҳам ана шулар хусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айтиш жоизки, болаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда уларнинг ёши, жинси, анатомик ҳамда физиологик хусусиятлари алоҳида эътиборга олинаётди...

намда нуқсоним бор эди, — дейди таниқли бадий гимнастикачи, Осиё ўйинларида 2-ўрин соҳибаси бўлган Замира Санокуллова...

гимнастикада юксак натижаларга эришиши мумкин эканлиги жаҳон тажрибасида ўз исботини топган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган уч босқичли спорт ўйинларининг кенжа бўғини — “Умид ниҳоллари” да кашф этилаётган чемпионлар эришган натижаларда ҳам буни яққол кўриш мумкин...



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

болалиқдан бошланади

Маълумки, юртимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделига кўра, ёш авлод 7 — 18 ёш оралиғида 9 йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичларидан ўтади...

(масалан, ўта фаоллик, сабрсизлик) тормозлаши (босиқлик, ўзини тийиш)га нисбатан кучли бўлиши аниқланган. Шунинг учун улар дарсларда ёки уй вазифарини бажаришда бошқа нарсаларга кўп қарайди...

закорлик билан бирга, лоқайдлик, кўрслик каби салбий жиҳатлар ҳам кўзга ташланиши мумкин. Мана шундай ўтиш даврини жисмоний тарбия ва спорт билан ошуфталикда бошдан чекириш эса кўзланган ниётларнинг амалга оширишда кўп қилади...

ни исботлашган. Қувонарлиси, уларнинг орасида қишлоқдан чиққан чемпионлар талайгина. Асосийси, юртимизда жисмоний тарбия ва спортнинг раванк топиши фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда...

ми фаолиятини такомиллаштирилади, таянч-ҳаракат аъзоларига ижобий таъсир ўтказиши, суяк-мушак тизими ва танани чинқитириши, ўпка-бронх касалликларининг олдини олишига ёрдам беради...

Болакайлар 6 ёки 7 ёшида мактаб ўқувчисига айланишади. Мутахассислар айнан шу пайдан то 10 ёшга етунига қадар, яъни 1 — 4-синф оралиғида улар умумий жисмоний тайёргарлик, енгил атлетика, гимнастика элементлари, сузиш, стол тенниси, бадминтон билан ошно тутишиларини тавсия этадилар. Бундай тўхтамга келишда мурғак қалб эгаларининг организми ва унинг функцияларидаги ўзгаришлар асос бўлгани табиий...

лотларини ўз ичига олган эрталабки бадан тарбия ва спорт соғломлаштириш соатлари асқотмоқда. Жадал ўсиш ва ривожланиш палласи дея тавсифланадиган 11 — 14 ёшга етганлар (5 — 9-синфларда таҳсил олаётганлар) учун, табиийлик, спорт турини танлаш имконияти аянда кўпаяди. Масалан, ўғил-қизларнинг волейбол, баскетбол, кўл тўпи, теннис, спорт гимнастикаси, қиличбозлик, сувга сакраш билан шуғулланиши мақсадга мувофиқ, деб топилган...

Булardan ташқари, жаҳон стандартларидан келиб чиққан ҳолда тузилган ёш авлоднинг кун тартиби, тўғри овқатланиши, мос спорт турини танлаши, бу борада олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари қўёмда бўлиши “Соғлом миллат — соғлом келажак” ҳикматининг туб мазмунини ўзида ифодалайди...

Булardan ташқари, жаҳон стандартларидан келиб чиққан ҳолда тузилган ёш авлоднинг кун тартиби, тўғри овқатланиши, мос спорт турини танлаши, бу борада олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари қўёмда бўлиши “Соғлом миллат — соғлом келажак” ҳикматининг туб мазмунини ўзида ифодалайди...

М. САИДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ куйидаги кафедралар бўйича янги лавозимларга танлов эълон қилади: Профессор: Халқ чолғуларида ижрочилик (1); Доцент: Халқ чолғуларида ижрочилик (1), Тиллар (2), Анъанавий ижрочилик (1); Катта ўқитувчи: Ижтимоий-гуманитар фанлар (1), Тиллар (1), Мусиқа тарихи ва танқид (2). Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 1-уй, Ходимлар бўлими. Телефонлар: (8-371) 244-94-51, 244-95-09.

«REPUBLIKA MULK-AUKSIONI» ДК очик аукцион савдоларига таклиф этади. 2011 йил 17 май куни соат 15.00 да бошланғич баҳоси охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели (Собиқ Усмон Носир) кўчаси, 1-тор кўча, 18-уйда жойлашган «OLMOS» ОАЖга қарашли куйидаги мулклар кўйилади: 1. База бино ва иншоотлари. Жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели (Собиқ Усмон Носир) кўчаси, 1-тор кўча, 18-уй. Бошланғич баҳоси — 2 359 290 000 сўм. 2. 3-сонли дўкон биноси (бир қаватли, майdonи — 541,15 кв.м.). Жойлашган манзили: Фарғона шаҳри, Мустақиллик (Ёшлар — 8) кўчаси, 10-«А» уй. Бошланғич баҳоси — 324 075 000 сўм. 3. 11-сонли савдо дўкони биноси. Жойлашган манзили: Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси. Бошланғич баҳоси — 150 980 000 сўм. 4. 10-сонли дўкон биноси (бир қаватли, майdonи — 108 кв.м.). Жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Эски Жува» бозори худудида. Бошланғич баҳоси — 190 420 000 сўм. 5. 8-сонли дўкон биноси (бир қаватли, умумий ер майdonи — 780,33 кв.м., қурилиш ости майdonи — 523,68 кв.м.). Жойлашган манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 156-уй. Бошланғич баҳоси — 369 435 000 сўм. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси биносидан. Қўшимча маълумот олиш манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, 15-қават, Давлат мулк қўмитаси биноси. Телефон: (8-371) 150-35-55. Факс: (8-371) 150-34-46. E-mail: info@mulk.uz

Россия линолеуми Тел.: 234-48-11. Факс: 234-49-58.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги махсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган) Тел.: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

SONATA NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES. Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км. www.hyundai.com.uz Tel. (8-371) 250-11-11

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Бухоро вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Вобкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Бухоро вилояти ҳужуки судининг 2010 йил 15 ноябрдаги 20-1007/12569-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, «Вобкенттекс» МЧЖга тегишли, Вобкент тумани, Уба Кулолон кўчасида жойлашган, умумий ер майdonи 4,5 гектарни ташкил этган бино-иншоотлардан иборат бўлган мулкнинг мажмуа кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 430 210 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 19 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Шунингдек, 2011 йил 28 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Бухоро шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Қорақўл туманлараро судининг 2010 йил 25 июндаги 1-4607-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Мухаммад Иқбол кўчасида жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси тақдоран кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 340 000 000 сўм. Савдога кўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташиқлотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини курсатган ҳолда, РКМБ Бухоро филиалининг «Турон» банки Бухоро филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452129, МФО: 00111, СТИР: 200933850. Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Телефонлар: (8-365) 223-71-36, 223-71-30. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

IGEX Talaris (DeLaRue) компаниясининг Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютори «IGEX ASIA» МЧЖ Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан БАНК ЖИҲОЗЛАРИНИ таклиф этади. Жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларининг Пул ҳисоблагичлари Talaris EV 8626 (Англия), Talaris (DeLaRue) EV 6850 (Англия), Laurel J-700 (Япония) ва ВАЛЮТА ДЕТЕКТОРЛАРИ. Баҳоси — бозорниқидан арзон. Шунингдек, барча турдаги банк жиҳозларини таъмирлаймиз ва техник хизмат кўрсатамиз. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Манзил: Ўзбекистон, 100015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 24-уй. Телефон: (+998-97) 771-38-75. Тел./факс: (+998-71) 281-46-38, 281-46-10.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ «КЧМ» ЧҲЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ Табиий газ, қуруқ ва суяк ёнилғида ишлайдиган, Россия ҳамда Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача. Шунингдек: МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН Тўлов шакли — турлича. КАФЕЛЬ (девор ва пол учун) САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва умивальниклар) ЧҲЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ Тел./факс: 267-35-73. Савдо шохбосчаси — Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичда №127. zakamsk-group@mail.ru

«Асака» банки:

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНИ



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистон иқтисодиётини ҳам синовдан ўтказди. Аксарият давлатларда иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилган бир пайтда республикамизда барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Шу маънода, инқироз яна бир бор мамлакатимизда амалга оширилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" нақадар асосли эканлигини яққол намойён қилди.

Оқилона юритилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли бошқа соҳалар билан бир қаторда Ўзбекистон банк тизими ҳам юқори суръатларда ривожланмоқда, капитал ва активларнинг доимий ўсиши таъминланди, Президентимиз томонидан белгиланган муҳим вазифалар самарали ҳал этилмоқда. Бунинг "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мазкур молиявий муассаса Юртбошимизнинг ташаббуси билан муастаклиқнинг илк йилларида таъсис этилган эди. Кейинчалик у юртимизда санаятнинг янги қудратли ўчоғи — автомобилсозлик тармоғини вужудга келтириш ва ривожлантиришга ихтисослаштирилди. Бу жараёнда ўзи ҳам ўсиб ривожланиб, турли мулкчилик ва ҳўжалик юретиш шаклига эга бўлган миқозлари доирасини кенгайтиришга муваффақ бўлди.

"Асака" банкнинг 2011 йилнинг биринчи қорағи давомидаги фаолияти мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга қаратилган "Инқирозга қарши чоралар дастури" ижросини таъминлаш, шу асосда узоқ муддатли ўсиш ва ривожланишга эришишга қаратилди. Хусусан, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш ва уларни жаҳон андозлари даражасига етказишга интилиш орқали юқори рақобатбардор, ички бозор ва экспорт талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳамда хизматлар кўрсатадиган миқозларга ва хорижий ҳамкорларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш шулар жумласидандир.

Жаҳонда етакчи ва нуфузли ҳисобланган "Fitch Ratings" ва "Moody's Investors Service Ltd" халқаро рейтинг агентликлари томонидан "Асака" банки фаолиятига юқори рейтинг баҳолари берилди. Бу эътироф банк тизимига бўлган ишончнинг ортиб бораётганлигини, унинг барқарорлигини далиллади. Худди шунингдек, 2011 йил арасида мамлакатимизда нуфузли саналмиш "Анбор Рейтинг" агентлиги томонидан "Асака" банки кредит рейтингини қайта кўриб чиқилиб, юқори рейтинг баҳоси берилди. Буларнинг барчаси мазкур молия муассасасининг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлайди.

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида мазкур йилда Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридagi рақобатдорлигини ошириш ва мавқени мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ҳамда юқас технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш каби бир қатор вазифалар кўйилди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда "Асака" банки жамоаси фаол иш олиб бормоқда. Бинобарин, мамлакатимиз, айниқса, чекка туманлар аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш, пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини тақомиллаштириш ҳамда аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш бўйича ҳам кўплаб чора-тадбирлар кўрилганмоқда.

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида 2011 йилнинг биринчи қорағи давомида "Асака" банкнинг жами активлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 705 млрд. сўмга ёки 34,8 фоиз ўсди ва 2011 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 2 731,6 млрд. сўмни ташкил этди.



Даромад келтирувчи активлар 505,7 млрд. сўмга ёки 34,5 фоиз ўсди ва 1,97 трлн. сўмга етказилди. Даромад келтирувчи активлар умумий активларнинг 72,2 фоизини ташкил этди. Банк жами капиталининг 54,8 млрд. сўмга ўсишига эришилди ва 418,9 млрд. сўмга етказилди.



Банк томонидан миқозлар базасини кенгайтириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб бо-

рилмоқда. Натижада миқозлар сони 261,5 миң нафарга ёки 38,5 фоиз ўсиб, 941,5 миң нафарни ташкил қилди. Шундан 29,5 миң нафари юридик, 912 миң нафари жисмоний шахсдир.



Банк доимий равишда ўз таркибий тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва банк хизматлари бозорига тугган ўрнини кенгайтиришга ҳам эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда "Асака" банки республиканинг барча вилоят марказлари ва худудларида ўзининг жами 26 та филиалига эга бўлиб, 14 та худудий филиали, 12 та туман (шаҳар) филиали, 112 та минибанк, 66 та махсус касса, 81 та жамғарма касса, 1045 та аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи шохобча ҳамда 6 та сайёр касса орқали аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Банкнинг фонд бозорига йирик инвесторлардан бири ҳисобланади. 33 корхонанинг акциялари ва устав фондларида ўз улушига эга. Акциялар портфели республика иқтисодиётининг 10 та тармоғи бўйича диверсификациялаштирилган. Банкнинг корхоналар акциялари ва устав фондларидаги улуши ҳажми 96,4 млрд. сўмни ташкил этди. Кредит қўйилмалари ва лизинг хизматлари ҳажми 36,4 фоиз ўсди ва сўм эквивалентида 1 324,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Кредит қўйилмаларининг 1 023,7 млрд. сўм (кредит портфелининг 77,3 фоиз) миқдоридagi қисми узоқ муддатли кредитларни ташкил этди. Шундан 849,4 млрд. сўм миқдоридagi қисми инвестицион кредитлардир.



2011 йилнинг биринчи қорағи давомида банк асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлашга, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга қаратди. Банк томонидан 33 та инвестицион лойиҳани молиялаштириш мақсадида 56,6 млрд. сўм эквиваленти миқдорига кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг 2010 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ, инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилаётган кредитлар умумий ҳажми 232,03 млрд. сўмни ташкил этди. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада жаҳон андозларида жавоб берадиган ва халқаро бозор талабига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Навоий вилоятининг sanoat салоҳиятини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳаларини молиялаштириш давом эттирилди ҳамда ажратилган кредитлар миқдори 6,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, шунингдек, маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштиришни рағбатлантириш, экспортга мўлжалланган рақобатбардор маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тармоқлараро ва ички тармоқ sanoat кооперациясини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ва шу асосда аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш, шунингдек, унинг моддий фаровонлигини ошириш мақсадида банк томонидан 5,5 млрд. сўм миқдоридagi битта инвестицион лойиҳа молиялаштирилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мухтарам Президентимиз томонидан 2011 йилнинг

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" йили деб номланиши ҳам беҳиз эмас. Бу эса, "Асака" банкга соҳасини молиявий кўллаб-қувватлаш, ўз маблағлари ва хорижий кредит линияларини жалб қилган ҳолда, кредитлар салмоғини оширишга катта имкон бермоқда. Шу мақсадда банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, авваламбор, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу орқали янги иш ўринларини барпо қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу мақсадда банк томонидан 2011 йилнинг биринчи қорағида миллий валютада 99,2 млрд. сўм миқдорига кредитлар, 5,7 млрд. сўм миқдорига микрокредитлар ажратилди. Банкнинг махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан эса 540,5 млн. сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 216 нафар жисмоний шахсларга чорва моллари олиш учун 706,3 млн. сўм миқдорига кредитлар ажратилди. Шунингдек, йирик шохли қорамолларни кўпайтириш ва чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган 10 та лойиҳани молиялаштириш учун 638,2 млн. сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

Агар соҳани ривожлантириш ҳамда иқтисодий ва молиявий барқарор кишлоқ ҳўжалиги корхоналарини ташкил қилиш мақсадида банк томонидан деҳқон ва фермер ҳўжаликлари зарур техника билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича фаол ишлар олиб борилди. Шу мақсадда банк 41 дон кишлоқ ҳўжалиги техникаси учун 2,3 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратди.

Республикамизда паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 11 та лойиҳани молиялаштириш учун 7,9 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

Ёш оилаларни моддий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан фаол ишлар олиб бориюмоқда, уларга имтиёзли шартларда хизматлар кўрсатилаётган. 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида 110 нафар ёш оилага 5,0 млрд. сўм миқдорига ипотека кредитлари, 171 нафар ёш оилага 654,1 млн. сўм миқдорига истеъмол кредитлари берилди.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида 646 нафар фуқарога 1,6 млрд. сўм миқдорига истеъмол кредитлари, 120 нафар оилага 5,6 млрд. сўм миқдорига ипотека кредитлари ажратилди. Истеъмол кредитлари портфели 14,1 млрд. сўмни, ипотека кредитлари портфели 106,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Президентимиз қарори билан тасдиқланган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича "Асака" банки томонидан жорий йилда 400,0 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Жорий йилнинг биринчи қорағида Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан 99,2 млрд. сўм ва 3,2 млн. АҚШ доллари миқдорига кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 2423 та янги иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: "2011 йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлайдиган 450 миңдан ортиқ ўқувчини ишга ҳойлаштириш масаласи эътиборлиги марказида бўлиши даркор" дея таъкидлаб ўтди.

Коллеж битирувчиларининг билим савиясини янада ошириш, уларнинг назарий билимларини амалиёт билан боғлаш ва уларни иш жойлари билан таъминлаш мақсадида "Асака" банки томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Асака" банки ва Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи ўртасида ўқувчиларнинг "Устоз-шогирд" тизими асосида танишув, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш ҳамда таълим жараёнига юқори малакали банк мутахассисларини жалб қилиш бўйича узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаси тузилган бўлиб, илмий-амалий семинарлар, услубий кенашлар, касблар фестиваллари банк раҳбарияти ва мутахассислари иштироклада ўтказилмоқда.

Жорий йилда "Асака" банки жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Яъни банк томонидан Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежида "Ўқув банки" ташкил этилди. У "Асака" банки ҳисобидан замонавий ўқув ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланди. Мазкур масканда коллежнинг юқори босқич ўқувчилари банк иши бўйича олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаб, ўз билимларини янада бойитмоқдалар. Амалий машғулотларни "Асака" банкнинг юқори малакали ва тажрибали мутахассислари олиб бормоқда.

"Ўқув банки"да коллеж ўқувчилари энди банк иши билан яқиндан, амалиётда танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу эса коллеж битирувчиларига ўз иш жойларини олдидан белгилашга, амалиётни бўлғуси иш жойида ўташга имконият яратмоқда. Битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шу-

ғуланишини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадларида банк томонидан 342 млн. сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

Банк томонидан жами 374 та лойиҳа бўйича 192,1 млрд. сўм миқдорига лизинг хизматлари кўрсатилди. Банк лизинг портфели иқтисодиётнинг турли тармоқлари бўйича диверсификациялаштирилган (саноат, кишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва коммуникация, қурилиш, ижтимоий соҳа ва бошқа тармоқлар).

2011 йил республикамизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан "Асака" банки томонидан мазкур соҳа вакиллари ўртасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги "2011 йилнинг энг яхши лойиҳаси" бўйича танлов эълон қилинган эди. Танлов шартлари барча оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб борилади. Танловда қатнашиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва республикамизнинг барча вилоятларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан кўллаб аризалар келиб тушди.

Танлов қўлиб олиш имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи диплом ва қим-

нинг Андиджон вилояти филиали 1-ўринни эгаллади ва 1-даражали диплом билан тақдирланди. "Кишлоқ жойларда энг яхши жамғарма (махсус касса) номинациясида "Асака" банкнинг Фарғона вилоятидаги Олтиариқ филиали 1-сонли жамғарма кассаси голиб деб топилди ва 1-даражали диплом билан тақдирланди. Шунингдек, "Асака" банки "Энг яхши пластик карточка Банк — Эмитенти" номинациясида голиб қиди ва 1-даражали диплом билан тақдирланди.

Мамлакатимиз тўлов тизимининг ривожланишида банк пластик карточкаларининг аҳамияти жуда муҳим. Чунки пластик карточкалар биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, стипендия ва пенсия тўловларини ўз вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловлар бўйича қарздорликни ўз вақтида тўлаш, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ва тезкор амалга ошириш имконини яратди. Хорижий мамлакатлар тажрибаси бундан далolat бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам

Танловни ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи аъзолари томонидан аризалар диққат билан ўрганилди. Танлов аъзолари кўра, қуйидаги иштирокчилар голиб деб топилди:
1-ўрин — "Асака" банкнинг Самарқанд вилояти филиали миқоз бўлими "Maroqand Parranda" МЧЖ лойиҳасига;
2-ўрин — "Асака" банкнинг Наманган вилояти филиали миқоз бўлими "Fahir Tekstil Savdo" МЧЖ лойиҳасига;
3-ўрин — "Асака" банкнинг Автотранспорт филиали миқоз бўлими "Саfo Tibbiyot" МЧЖ лойиҳасига берилди.

матбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш борасида аҳоли маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича "Асака" банки томонидан фаол ишлар олиб бориюмоқда.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг гоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлар шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда бошқа қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида "Асака" банки томонидан 90 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий қилинган бўлиб, омонатларни банкнинг барча филиаллари ҳамда минибанкларида расмийлаштириш мумкин. Ушбу омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатларнинг биринчи талаби билан нақд пулда таъминлаб берилмоқда. 2011 йилнинг биринчи қорағи давомида 6 та янги омонат тури жорий этилди.

Банк томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кескин қисқартириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб бориюмоқда. Банк томонидан нақд пул маблағларининг айланмасини кескин қисқартириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб бориюмоқда. Банк томонидан нақд пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб бориюмоқда. Банк томонидан нақд пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб бориюмоқда.

2011 йилнинг биринчи қорағи давомида банк асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлашга, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Навоий вилоятининг sanoat салоҳиятини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳаларини молиялаштириш давом эттирилди ҳамда ажратилган кредитлар миқдори 6,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

Президентимизнинг 2010 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ, инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилаётган кредитлар умумий ҳажми 232,03 млрд. сўмни ташкил этди. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада жаҳон андозларида жавоб берадиган ва халқаро бозор талабига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Навоий вилоятининг sanoat салоҳиятини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳаларини молиялаштириш давом эттирилди ҳамда ажратилган кредитлар миқдори 6,4 млрд. сўмни ташкил қилди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Банклар ассоциацияси томонидан, Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан ўтказилган танловда "Асака" банки голиб чиқиб, "Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2010 йилнинг энг яхши банки" номинацияси бўйича 2-даражали диплом билан тақдирланди. Танловда жами бўлиб 31 та тижорат банки, 810 та банк филиали, 4000 та минибанк ва махсус кассалар иштирок этди.

"Пластик карточкалар орқали иш ҳақи лойиҳаларини жорий қилиш бўйича энг яхши банк филиали" номинациясида "Асака" банки-

фаол ишлар олиб бориюмоқда. Банк томонидан 2011 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 705 миң донна пластик карточка муомалага чиқарилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 208 миң доннага кўпайди. 7149 та терминал, 35 та банкомат ва 35 та инфокиоск ўрнатилди. 509 та корхона ва ташкилотларда "Иш ҳақи" лойиҳалари жорий этилиб, уларнинг сони 6173 тага етказилди.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳамда кенгаймоқда. 2011 йил 1 апрелда келиб, савдо айланмалари миқдори 1299,6 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 543,7 млрд. сўмга кўпайди.

"Халқаро пластик карточкалар ("MasterCard") орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимини кенгайтириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Банк томонидан чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 38,2 миң доннага кўпайди ва 131,6 миң донна ташкил қилди. Халқаро пластик карточкалар орқали амалга оширилган транзакциялар миқдори 331,1 млн. АҚШ долларидан ошиб кетди.

2011 йилнинг дастлабки қорағи мобайнида "Асака" банки томонидан аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилаётган банк маҳсулотлари ҳамда хизматлари турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ва банк амалиётлари тезкорлигини янада ошириш бўйича фаол ишлар олиб бориюмоқда. Миқозларга масофадан ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасида янги "SMS-BANKING" банк хизматини ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилди. Ушбу хизмат уяли телефон орқали банк билан матн форматидagi SMS-хабарлари орқали масофадан ахборот хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Хозирда ушбу тизимдан фойдаланаётган миқозлар сони 416 нафарни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 130 нафарга ёки 68,1 фоиз кўпайди.

"Банк-миқоз" дастурий комплекси орқали пул-ҳисоб ҳужжатларини электрон шаклидан фойдаланган ҳолда миқозларга хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолининг йўналтирилган ишлар фаол давом эттирилди. Банкнинг бу хизмат туридан фойдаланаётган миқозлар сони 324 нафарга ёки 2 баравардан зиёдга кўпайди. Айни пайтда бош офис ва филиалларда мазкур хизматлардан 640 нафар миқоз фойдаланмоқда.

Банкнинг миқозларига хозирги кун талабига жавоб берадиган банк хизмат турларидан бири бўлиши "Интернет банкинг" хизмат тури тақлиф этилмоқда. Мазкур хизмат тури банк миқозига ўз уйдан чиқмаган ҳолда интернет орқали банкда мавжуд бўлган ҳисоб рақамидagi пул маблағларини тасарруф этиш имконини беради. Яъни банк миқозини коммунал хизматлар ёки товарлар учун бўлган тўловларни хизмат кўрсатувчи ташкилот ёки савдо дўконларига ташриф буюрмадан, ўз уйдан туриб, интернет орқали амалга ошириши мумкин.

Банк Ахборот хизмати.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15. ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 22.45

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — О. Файзиев. Мусаҳҳах — Ш. Машраббеов.